

НОЁБ КИТОБЛАРДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг «Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар» хизмати фондида йигирма саккиз мингдан ортиқ нодир манбалар сақланмоқда. Улар XIII-XIX асрларда Мовароуннахр, Хуросон, Туркистон заминида битилган қўлёзма ва тошбосмалар, XVI-XVIII асрларда Фарбий Европада чоп этилган китоблардир.

Бу ноёб асарлар орасида Аббосийлар халифалиги даврида ёзилган Абул Ҳасан Али бин Муҳаммад Ал-Мовардийнинг «Ал-аҳком ус султония вал вилоятуд-диния» («Давлатчилик қонунлари ва шаръий бошқарувлар») қўлёзмаси, буюк аллома Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» («Адаб илмига муқаддима») каби қўлёзмалар борлиги миллий маданиятимиз дурдонаси ва бойлиги ҳисобланади.

Фондда Алишер Навоийнинг ҳаётлик давридан то XIX аср охирларигача кўплаб хаттотлар кўчириб, кўпайтирган асарлар ҳам жамланган. Жумладан, хиж-

рий 1259 йили «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг котиб Мулла Хақназар Уста Қурбон Бешариқий кўчирган нусхаси, хижрий 1272 йили китоб қилинган «Хазойинул-маоний» девони, «Тарихи мулуки ажам» сингари асарлар шулар жумласидан.

Тарих, адабиёт, санъат бўйича Фарбий Европага оид ноёб асарлар қаторида 1597 йили Италияда нашр қилинган Темурийлар тарихига оид «Magni Tamerlanis Scytharum Imperatoris Vita» китоби, 1697 йили Парижда француз тилида нашр этилган шарқшунос Бартоломей Эрбелонинг «Шарқ кутубхонаси» ёки «Шарқ энциклопедияси» («Bibliothèque orientale»)нинг борлиги янада қимматли. Бу асарда Ўрта Осиёда яшаб ижод этган улуг олим, шоир, давлат арбобларидан юзга яқини ҳақида маълумотлар берилган.

1723 йилда Парижда чоп этилган Шарафиддин Али Яздий қаламига мансуб «Зафарнома» («Histoire de Timur-Bec») асари ҳам айнан шу бўлимда авайлаб-асралади. Асарни Petis De La Croix француз тилига таржима қилган.

Ўз мухбиримиз.